

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРОВ ЗАРИФ ЛАТИФБОЕВИЧ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАЪЛИМИЙ
МУАММОЛАРИГА ОИД ДИДАКТИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Умуров Зариф Латифбоевич

Бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-
шароитларни такомиллаштириш.....5

Умуров Зариф Латифбоевич

Совершенствование дидактических условий по проблемам образования
учащихся начальных классов.....25

Umurov Zarif Latifboevich

Improving didactic conditions on educational problems of primary class pupils ..47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРОВ ЗАРИФ ЛАТИФБОЕВИЧ

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАЪЛИМИЙ
МУАММОЛАРИГА ОИД ДИДАКТИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адизов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Муяссар Махмудовна
педагогика фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган таълим концепциясида “таълим тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб¹, сифатли таълим бериш, таълим олишни яхшилаш ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, очиқ таълим ресурслари, ўқувчининг интеллект даражасини ривожлантиришнинг самарадор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Германияда инсон интеллект даражасини аниқлаш орқали мос курсларни тақдим этувчи ўқитишга мослашувчи тизимлар ишлаб чиқилган. Бу каби ўқитиш тизимларининг амалиётга жорий қилиниши ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Дунё миқёсида глобал ахборот оқимларининг жадаллашуви таълим жараёни иштирокчиларининг мантикий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга бўлган талаблар шахснинг имкониятлари ва дунёқарашидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Жумладан, бошланғич синфларда таълимий муаммоларни тайёрлаш мазмуни, таълим сифатини ошириш ва ўқувчиларни фаоллаштириш бугунги кун таълим олдида турган долзарб муаммо ҳисобланади. Бошланғич таълим тизимида ўқувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг тафаккурини интерфаол методлар воситасида такомиллаштириш, ўқитишни интеграциялаш ва моделлаштиришнинг истиқболли йўналишлари асосида бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштиришни тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий-меърий ва моддий-техник инфраструктураси, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг такомиллаштирилган ўқув-дидактик таъминоти модернизациялаштирилмоқда. Мазкур тадқиқот доирасида бошланғич синфларда таълимий муаммоларни тайёрлашда ўқувчиларнинг реал билиш имкониятлари инобатга олиниб, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган самарали механизмлари ишлаб чиқилди ва шахсга йўналтирилган таълимнинг устуворлиги таъминланди.

Мамлакатимизда “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун²” ҳамда таълимнинг сифатли ва самарали ташкил этилишини, айниқса, бошланғич синфлардан ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс

¹ Incheon Declaration / Education 2030. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р. 6-7// <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 Б.

сифатида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш асосида такомиллаштириш”³ бўйича устувор вазифалар белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич таълимда ўқитишнинг самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дидактик тадқиқотлар назарияси тарихига эътибор қаратилса, ижодий ва ноижодий таълимнинг самарадорлиги тадқиқ қилинган қуйидаги изланишларни кўриш мумкин. Жумладан, бу ҳодисани дидакт олимлар М.А.Данилов, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Н.В.Внукова, А.С.Глинский, А.О.Кочнев, С.Е.Шукшина, О.Р.Розиқов, Б.Р.Адилов, М.Ҳ.Маҳмудов, М.М.Маҳмудова кабилар ўқув-билув фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганган⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁴ Данилов М.А. Дидактика как теория образования и обучения / В кн.: Дидактика средней школы. –М.: Просвещение, 1975. –Б. 5–33.; Лернер И.Я. Дидактические основы формирования познавательной самостоятельности учащихся при изучении гуманитарных дисциплин: автореф. дисс. ... канд. пед. наук. 1970. –38 с.; Скаткин М.Н. Активизация познавательной деятельности учащихся в обучении. –М.: Просвещение, 1985. –128 с.; Внукова Н.В. Дидактические условия активизации творческой познавательной деятельности учащихся 5-7 классов: На материале преподавания математики: автореф. дисс. ... канд. пед. наук: 13.00.01 / Н.В. Внукова. – Липецк, 2001. – 172 с.; Глинский А. С. Развитие познавательной активности учащихся с применением акмеологического подхода: диссертация ... кандидата педагогических наук: –Омск, 2007 – 169 с., Библиогр.: –С. 123–145 РГБ ОД, 61:07-13/2795.; Кочнев А.О. Влияние личностно-ориентированного подхода на познавательную активность обучающихся: автореф. дисс. канд. пед. наук. Череповец, 2006.; Шукшина С.Е. Различные подходы к активизации учебно-познавательной деятельности студентов // Вестник МГПУ / серия «Педагогика и психология». 2008, №1(19) стр. 49–57.; Розиқов О. Основы оптимального применения системы учебных задач в обучении. –Т.: Укитувчи, 1981. – 103 с.; Адилов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишининг назарий асослари. Пед. фанл. докт. ... дисс. –Т., 2003. –

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини тадқиқ қилишга доир психологик тадқиқотларда (А.Б.Ларина, А.Н.Леонтьев, Б.К.Пашнев) билиш фаоллиги, билишга бўлган қизиқиш, фаолият фаоллигининг таркибий қисмлари белгиланиб, умумий “психик” фаолият ва ирода ҳақида фикр баён этилган⁵.

Методист олимлар В.А.Далингер, Н.И.Прокопенко ўқувчининг билиш фаолиятини ахборот технологиялари орқали ривожлантириш масаласи ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш бўйича тадқиқот олиб борган⁶. Қ.П.Ҳусанбоева⁷ адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асосларини ёритишда муаммоли таълим нуқтаи назаридан ёндашган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ижодий таълим, унинг ташкилий шакли ҳисобланган муаммоли таълим ўзига хос тарихга, ўзига хос тараққиёт босқичларига эга. Ижодий таълим ва унинг ташкилий шакли муаммоли таълим ўз тараққиёт босқичлари, тушунча, атамаларига эга бўлса-да, ҳали тадқиқ қилиниши лозим бўлган жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, биз тадқиқ қилаётган диссертацияда таълимий муаммолар негизида ўқувчиларнинг ўқув ҳамда билув фаолияти назарда тутилган бўлиб, адабиётларда тадқиқ қилинган ўқув-билув топшириқлари таълимий муаммолар сифатида таҳлил қилинади. Чунончи, ўқув-билув муаммоларининг ўқув-билув фаолиятига мослиги; бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш, ўқув материални таълимий муаммоларга айлантириш жараёни каби масалалар бошланғич таълимда тадқиқот олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Бухоро давлат университети бошланғич таълим кафедрасининг “Ўзбекистонда таълимнинг глобаллашуви шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ва ижодий фикрлашини фаоллаштириш технологияси” (2013-2018 йиллар) илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Шунингдек, диссертация тадқиқоти натижаларидан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб

280 б.; Маҳмудов М.Ҳ. Таълим эталони. –Бухоро, 1999. – 55 б.; Маҳмудова М.М. Воспитание общественной активности у младших школьников: автореф. дисс. ... канд. пед. наук. 1994. – 17 с.

⁵ Ларина А. Б. Психолого-педагогические условия формирования познавательной самооценки младших школьников. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Калининград, 2011. –23 с.; Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. // URL: <http://www.infolib.info/psih/leontyev/leontmain.html>; Пашнев Б.К. Изучение познавательной деятельности учащихся. Психодиагностика.//URL: <http://www.psihologu.info/content/category/2/80/16/>.

⁶ Далингер В.А. Методика обучения математике: Практикум по решению школьных задач: Учебное пособие. – Омск: Изд-во Дом наука. 2012 – 226 с.; Прокопенко Н. И. Учебно-методический комплект модуля: Использование ИКТ в обучении математике и новые возможности в развитии проектной деятельности школьников. Конспект лекций. // URL: http://cor.edu.27.ru/dlrstore/583300c2-4915-470c-af4f-6380c0e2efaa/konspecty_lectziy/konspecty_lectziy.htm.

⁷ Ҳусанбоева Қ.П. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий – методик асослари. Пед. фанл. докт. ... дисс. –Т., 2007. –268 б.

ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги лойиҳа доирасида ҳамда А1-ХТ-1-19701 рақамли “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” амалий лойиҳасида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштиришнинг тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини назарий асослаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш юзасидан таклиф ва тавсия ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларидан фойдаланиш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, “таълимий муаммо” тушунчасини дидактик таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятлари саналган ўқув-билув муаммосининг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришнинг етакчи воситаси эканлигини асослаш;

таълимий муаммо билан алоқадор атамалар (ўқув-билув муаммоси, ўқув-билув топшириғи, топширик, ўқув топшириғи, билув топшириғи ва ш.к.)нинг хусусиятларини тавсифлаш;

“ўқув материали” ва “таълимий муаммолар” ўртасидаги алоқадорликни ўрганиб, уларнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг билиш имкониятларини таҳлил қилиб, “реал ўқув имконияти”, “реал билув имконияти”, “реал ўқув-билув имконияти”га дидактик тавсиф тайёрлаш ҳамда тайёрланган таълимий муаммолар тизимини экспериментал ўрганиш ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бошланғич синфларда танланган ўқув материаллари асосида таълимий муаммоларни ўрганиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш ва таълим жараёнига татбиқ қилишнинг мазмуни, шакли, методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатиш, социометрик (суҳбат, анкета, тест), педагогик-психологик ҳодисаларнинг тизимли таҳлили, мониторинг, педагогик эксперимент, математик-статистик метод ҳамда натижаларни умумлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълимий муаммоларни дидактик тавсифлаш ҳамда уларнинг тузилишини аниқлаш, таълимий муаммолар типлари, таълимий муаммоларнинг дидактик хусусиятлари ва бошланғич синф ўқувчиларининг интерфаол ҳолати таълим субъекти вазифасидаги иштирокини таъминловчи воситалар аниқлаштирилган;

бошланғич синфларда таълимий муаммоларни ўқувчиларнинг тафаккурига мослаб ўтказиш, ўқувчиларда мустақил фикрлашга йўналтириш, ўқувчиларни мустақил хулоса чиқаришга одатлантириш ҳамда ижодий

изланиш йўли билан ўқув материални мустақил ўрганиш шакллари такомиллаштирилган;

“ўқув материали” ва “таълимий муаммолар” ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш, ўқув материални лойихалаш ва уни ўқувчиларбоп шаклга келтириш имкониятини ошириш, мавзуларни ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, ўқув материални таълим мазмунининг шакли, бирлиги ва уни моддийлаштириш даражаси сифатида қараш таълим жараёнининг технологик конструкциялари асосида бойитилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг билиш имкониятлари таҳлил қилиниб, “реал ўқув имконияти”, “реал билув имконияти”, “реал ўқув-билув имконияти” дидактик тавсифланган ҳамда таълим жараёнининг боришида ўқитувчининг ўқувчиларга таъсири, ўқувчининг реал ўқув имкониятларига мос ўқув материални ўзлаштириши, шунингдек, ақлий меҳнат ва ақлий фаолият усулларини пухта эгаллаган ўқувчи ўқитувчи таълимга татбиқ этган муаммоларни бажаришга ва ўқитиш фаолиятининг ўқувчиларга таъсири самарадорлиги ўқувчиларнинг умумий соғлигига боғлиқ экани аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг реал билиш имкониятларига мос таълимий муаммолари тайёрланиб, методик таъминоти такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқув предметларига мос таълимий муаммолар тайёрланиб, муаллифлик ёндашуви асосида педагогик талқин этилган;

ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларига мос таълимий муаммоларнинг ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришдаги дидактик имкониятлари такомиллаштирилган;

муаммоли таълим воситасида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича таълимий муаммоларни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар, синов майдончаларининг етарлича танланганлиги ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлари воситасида асосланганлиги, тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: ўқувчини таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш, таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш, таълим мазмунини таълимий муаммолар шаклига келтириш, ўқувчининг онги, тафаккури, қизиқиши ва мотивларига таъсир қиладиган интерфаол усуллардан фойдаланиш каби қатор талаблар аниқланди ва бошланғич синфларда таълимий муаммолар ва улардан фойдаланиш амалиётини умумлаштириш; ўқув-билув тушунчасини дидактик таҳлил қилиш ва

тавсифлаш; тайёрланган таълимий муаммолар бошланғич синфларнинг ўқув амалиётига татбиқ этиш белгиланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, таълимий муаммоларнинг ўзига хос тузилиши, таълимий муаммоларни тузиш фаолияти, воситалари, ўқитувчининг таълимий муаммолар хусусидаги тасаввурлари, ҳаётий тажрибаси, педагогик малакалари, фаолият предмети бошланғич синфларда таълимий муаммолардан фойдаланиш имконияти, таълимий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари дидактик жиҳатдан асосланган, “ўқув материали” ва “таълимий муаммолар” ўртасидаги алоқадорлик ҳамда уларнинг таълимга татбиқ этилиши, бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялардан бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таълимий муаммоларга дидактик тавсиф бериш ҳамда уларнинг тузилишини аниқлаш, таълимий муаммолар типлари, таълимий муаммоларнинг умумий дидактик мазмуни ва бошланғич синф ўқувчиларининг интерфаол ҳолати, унинг таълим субъекти вазифасидаги иштирокини таъминловчи воситалар бўйича таклифлардан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги лойиҳа доирасида дидактик топшириқларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 03-02/2-2-918-сон маълумотномаси). Натижада, таълимий муаммолардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг топқирлик (эвристик) имкониятлари кенгайтирилган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш А1-ХТ-1-19701 рақамли “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида яратилган “Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилган ўқув вазиятларини фанлар кесимида лойиҳалаш” ва “Ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни” ҳамда “Ўқув-билув муаммолари ва уларни тайёрлаш технологияси” номли методик қўлланмалар мазмунига сингдирилган, умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилинган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 03-02/2-2-918-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммоларига оид дидактик шарт-шароитларни такомиллаштиришга доир методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришга эришилган;

бошланғич синф ўқувчилари таълимий муаммолари ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжаллаб ўтказилиши, ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга йўналганлиги, ўқувчиларни мустақил хулоса чиқаришга одатлантириши ҳамда ижодий изланиш йўли билан ўқув материални мустақил ўрганишнинг самарадорлиги баҳолаш мезонларига доир таклифлар Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаларига қарашли умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфлари ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилинган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 03-02/2-2-918-сон маълумотномаси). Натижада, таълимий муаммоларни экспериментал таълимга татбиқ этишга оид тавсиялар асосида бошланғич синфларда ўқитишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 халқаро ва 19 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, шундан 5 та республика журналларида ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, асосий матн 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълимий муаммоларнинг дидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида “Таълимий муаммо” тушунчаси ҳамда уларнинг қурилишини аниқлаш, таълимий муаммолар турлари, таълимий муаммоларнинг умумий дидактик мазмунини ойдинлаштириш хусусида сўз юритилган.

“Муаммо” фан нуқтаи назаридан, саволнинг шундай кўринишики, унинг жавоби ҳали фанда мавжуд эмас. Бу аниқликда фан нуқтаи назаридан “муаммонинг” таърифи келтирилган. Унга билим нуқтаи назаридан ҳам таъриф берса бўлади: инсоният тўплаган билимлар орасида жавоби мавжуд бўлмаган савол “муаммо” дейилади. Худди шундай таърифни фаолият жиҳатидан ҳам келтириш мумкин. Бунда фаолиятнинг ижтимоий

институтлардан бири эканлиги ҳисобга олинади. Инсон фаолияти ўзига хос ижтимоий институт бўлиб, ўзига хос дастур, дастурни амалга ошириш воситасига эга. Шундай қилиб, фан, билим, фаолият ўзаро яқин, бир-бири билан уйғунликда амал қиладиган, дастур ва дастурни амалга ошириш воситалари орқали фаолиятни ташкил этиш, бошқариш эҳтиёжларини амалга оширадиган ижтимоий ҳодисадир. Мазкур тадқиқот ишида таълимий муаммолар ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолияти, ўқувчининг ўқув фаолияти, билув фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқув-билув муаммолари контекстида таҳлил қилинади.

Ўқув-билув муаммоларининг юқоридаги хусусиятини ҳисобга олиб, уларни уч жиҳатдан тавсифлаш мумкин:

1. Ўқув-билув муаммоларининг фан (ўқув предметлари) жиҳатидан таҳлили. Фан соҳасидаги янгиликлар янги-янги муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш йўли билан шаклланиб боради. Ҳозир барча фанларда, жумладан, илмий-педагогик тадқиқотларда қўйилган ёки қайд этилган муаммоларнинг янгилигини ажратиш кўрсатиш одат тусини олган. Кўринадикки, “муаммо” атамасининг бир маъноси “фан” тушунчаси билан дахлдор. “Муаммо, -деб ёзган эди О.Розиқов, - саволнинг шундай турики, жамият аъзолари тўплаган билимлари орасида жавоби мавжуд эмас”. Фан соҳасидаги янгиликлар улар энг кичикларидан бошлаб дунё аҳамиятига эга бўлган йирик масалаларгача муаммоларни қўйиш ва бажаришдан иборат. Илмий муаммоларни қўйиш ва уни бажаришнинг асосий мақсади табиат, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги янгиликларни қайд этишдан иборат.

Бизнингча, ўқувчилар ақлий фаолияти ва хотирасида (тўплаган билим ва тажрибалари орасида) жавоби мавжуд бўлмаган савол таълимий (ўқув-билув) муаммо дейилади.

2. Ўқув-билув муаммоларининг ўрганилаётган билим жиҳатидан тавсифи. Ўқув материаллари ўқув предметларига тааллуқли бўлганидек, ўқув-билув муаммолари ҳам ўқув материалига тааллуқлидир. Шу жиҳатдан ўқув-билув муаммоларининг қуйидаги хусусиятларини қайд этамиз: а) ўқув-билув муаммолари ўқув материалига ўхшаб фаолият предмети вазифасини бажаради; б) ўқув материали ҳам, ўқув муаммоси ҳам бир мавзуга тааллуқли саналади; в) фаолиятда амал қилади, зуҳур этиш жойи инсон фаолиятидир. Гарчанд, ўқув материали ва билимларнинг қатор ўхшаш жиҳатлари бўлса ҳам уларнинг фарқли томонлари ҳам анча топилади: а) ўқув материали мазмунидан келиб чиқиб, муаммо тузилади. Муаммоларни тузиш ва танлашда “ўқув материалидан ўқув-билув муаммосига” қараб борилади. Бу жиҳатдан қараганда, ўқув-билув муаммосига нисбатан ўқув материали биринчи ўринда туради. Ўқитувчи, шунингдек, дарслик муаллифлари ҳам олдин у ёки бу дарсликка, ўқув қўлланмасига киритиладиган ўқув материалларини, сўнгра шу ўқув материалларига адекват ўқув-билув муаммоларини ажратишади; б) ўқув-материали синфнинг барча ўқувчилари учун умумий саналади, ўқув-билув муаммоси синф аъзолари учун индивидуал ҳисобланади; в) ҳар бир ўқув материалини ўрганиш учун бир неча ўқув соати ажратилиши мумкин, бир ўқув соатида икки ёки ундан ортик типик ёки нотипик ўқув-билув муаммоларини бажариш мумкин.

3. Ўқув-билув муаммоларининг таълим-тарбия жиҳатидан таҳлили. Таълим шароитида фойдаланиладиган муаммоларнинг бош мақсади ҳар томонлама баркамол ривожланган инсонни тарбиялашдир. Баркамол шахсни тарбиялаш мақсадида билим, фаолият усуллари, ижодий фаолият тажрибаси ўрганилади. Жумладан, таълим соҳасида ишлатиладиган муаммолар анча бой бўлиб, уларни таълимий (ўқув-билув) муаммолар деб тушунамиз.

Таълимий муаммолар олдида қўйиладиган педагогик талаблар, ёшларни ҳаёт, ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёнлари билан алоқадор ходисалар тизими бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналган. Шу жиҳатдан таълимий муаммолар фаол таълимнинг етакчи воситаси ҳисобланади. Фаол таълимнинг етакчи шаклларида бири муаммоли таълимдир⁸.

Муаммоли таълимни ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилишнинг етакчи воситаси ўқув-билув муаммоси саналади.

Ўқувчининг ўрганилаётган объектга ҳар бир яқинлашуви ўзлаштирилаётган ўқув материалининг янги томонларини, янги белгиларини ҳис қилиш, англашни таъминлайди. Бу таълим жараёнида у ёки бу мавзу бўйича ўқувчилар билимининг узлуксиз ривожланишига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Ўқув муаммолари билув топшириқлари ва машқ ўтказишга мўлжаллаб тузилган топшириқлар ўртасидаги оралик ҳалқа бўлиб, ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг энг унумдор воситаси саналади. Улар ўқувчиларда билим, фаолият усули, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларни ўзлаштиришда ижодий қобилиятларни тарбиялашнинг етакчи воситаси ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг имкониятларига мос таълимий муаммолар ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжаллаб ўтказилиши, ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга йўналганлиги, ўқувчиларни мустақил хулоса чиқаришга одатлантириш билан бошқа топшириқ туридан фарқ қилади.

Ўқув муаммолари ва ўқув топшириқлари фаол таълимни ташкил этиш ва ўтказишнинг етакчи воситаси бўлиб, улар:

- ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти;
- таълим мазмуни;
- таълим жараёнида бажарадиган иши жиҳатидан ўрганилиши лозим.

Таълим жараёнида бажарадиган вазифасига кўра таълимий муаммоларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин:


- 1-гуруҳ: янги билимларни қайд қилишга оид таълимий муаммолар;
- 2-гуруҳ: кўникма-малакаларни янада такомиллаштиришга оид таълимий муаммолар;
- 3-гуруҳ: ижодий фаолият тажрибасини ривожлантиришга оид таълимий муаммолар;
- 4-гуруҳ: воқеа-ходисаларга муносабатни ривожлантиришга оид таълимий муаммолар.

“Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган таълимий

⁸ Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. –М.: Просвещение, 1977. –240 с.


муаммоларни тайёрлаш технологияси” деб номланган иккинчи бобда ўқув материали ва таълимий муаммолар, бошланғич синф ўқувчиларининг реал ўқув-билув имкониятлари таҳлили ҳамда бошланғич синфларда таълимий муаммоларни тайёрлаш технологияси баён қилинган.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари тизими фаолият усули сифатида қайд этилади. Таълимий муаммолар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш воситаси саналади. Кўникма – бу ўрганилаётган билимнинг шахсий фаолият учун нотаниш эмаслигини англаш. Кўникмани шаллантиришнинг куйидаги босқичлари мавжуд (1-расм):



1-расм. Кўникмани шаллантириш босқичлари

Малака – таълим олувчи ва тарбияланувчилар билан олиб борилган педагогик ишларнинг якуни. Малакани шакллантиришнинг ҳам ўзига хос босқичлари мавжуд (2-расм):



2-расм. Малакани шакллантириш босқичлари

Ўзаро таъсирни ўқув материали нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш, ўзлаштириш жараёнини “Концептуал жадвал” методи орқали умумий ва хусусий томонларини қайд этамиз(1-жадвал).


1-жадвал

Ўқув материалининг тизимли таҳлили

Муҳим жиҳатлар	Асосий белги (тавсиф)лар		
	1-белги(тавсиф)	2-белги(тавсиф)	3-белги(тавсиф)
1. Физиологик нуқтаи назар	Ўқувчининг ўрганилаётган объект – ўқув материали билан тўқнашуви	Олдинги билим, ҳаётий тажрибани фаоллаштириш	Нарсалар ёки уларнинг белгилари – ёзув билан муомала қилиш
2. Психологик нуқтаи назар	Ўзаро таъсирнинг бошланиш ва якунланиш нуқталари	Ижодий фаолият	Билишнинг психологик механизмлари – анализ, синтез, таққослаш, абстракциялаш, конкретлаштириш
3. Дидактик нуқтаи назар	Эришилган натижани таҳлил қилиш	Муаммо ёки топшириқни шакллантиришда ишлатилган тушунчалар воситасида фаолият кўрсатиш	Мантиқий усуллар – таққослаш, индуктив ёки дедуктив хулоса чиқариш

Таълимий муаммоларнинг икки томони мавжуд: муаммонинг субъектив томони – бу муаммоли ҳолат. Муаммоли ҳолат инсон онгида пайдо бўлади. Онгда пайдо бўлган муаммоли ҳолат кишида турли мотив ва қизиқишларни уйғотади. Мотив ва қизиқишлар таҳлил қилишга, ундан кишини билишга ундайди; муаммонинг объектив томони – бу муаммонинг ўзи. Ҳар қандай таълимий муаммода реал воқеа-ҳодисалар, реал далиллар акс этади. Таълим жараёнида муаммолар оғзаки тушунтирилади ёки ёзма шаклда топширилади. Таълимий муаммоларнинг субъектив ва объектив томонларига кўра уларнинг икки хил ечимини фарқлаймиз: муаммонинг психологик ечими; муаммонинг мантиқий ечими.

Психологик ечим ақлий фаолият шакллари (анализ, синтез ҳамда уларнинг натижаси – абстракциялаш, конкретлаштириш, умумлаштириш), мантиқий ечим – бажариш усуллари (таснифлаш, таққослаш, гуруҳлаш, хулосалаш, умумлаштириш) воситасида бажарилади. Таълимда психологик ечимдан мантиқий ечимга қараб борилади. Таълимий муаммоларнинг самарадорлиги – муаммони бажариш учун ўқувчиларни психологик жиҳатдан тайёрлашга, ўқувчиларни мантиқий жиҳатдан фикрлашга йўналтириш билан боғлиқ. Бу эса таълимнинг самарадорлигини оширади, ўз навбатида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради (3-расм).




3-расм. Таълимий муаммоларнинг тузилиши

Таълимий муаммоларни тузиш технологик жараён сифатида уч элементдан иборат: технологик жараённи амалга оширувчи мутахассис – таълимий муаммоларни тузувчи; меҳнат предмети – ўқув материали. Дидактик лойиҳа таъсиридан ўқув материали бир шаклдан дарсликда берилган ҳолатдан иккинчи шаклга – таълимий муаммолар ҳолатига келади; лойиҳалаш жараёни – таълимий муаммоларни тузишга оид педагогнинг маҳорати, яъни унинг лойиҳалаш жараёни тўғрисидаги билими, тажрибаси, малакаси, компетенцияси, қобилияти, педагогик техникаси ва унинг шу жараёнга танқидий муносабати (4-расм).



4-расм. Таълимий муаммоларнинг технологик жараён элементлари

Ўқув материаллари асосида таълимий муаммоларни тузиш қуйидаги технологик талабларга мувофиқ олиб борилади: ўқув материалларини дидактик таҳлил қилиш; таълимий муаммоларни тузишга оид принципларни белгилаш; ўқитувчининг педагогик маҳорати (лойиҳалаш жараёни); таълимий муаммолар (5-расм).



5-расм. Таълимий муаммоларни тайёрлаш технологияси


I. Ўқув материали таҳлили. Ўқув материали ўқув-тарбия ишлари бошланадиган, дарсликда тайёр ҳолда берилган билимлар тизими, шу билимларга оид кўникма ва малакалар тизими, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар тизимидан иборат.

II. Таълимий муаммоларни тузишга оид принциплар ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш нуқтаи назаридан белгиланади. Жумладан: таълимий муаммоларни тузишда илмийлик, тушунарлилик, мустақиллик, фаоллик, тизимлилик, изчиллик, кўргазмалилик, онглилик, мантиқийлик, креативлик, ҳаёт билан боғлиқлик принциплари; таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, компетенциявий мақсадлари; мустақил фикрловчи, ижодкор (яратувчан) баркамол шахсни тарбиялаш вазифаси; ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси; ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари; ўқувчиларнинг реал билиш имкониятлари (шахснинг ўқиш фаолиятига қобилиятлилиги, унда тафаккур ва хотира жараёнларининг ривожланганлиги; ўқиш ва ўрганишга оид махсус билим, кўникма, малакалар; ўқув меҳнати кўникмалари; жисмоний ривожланиш даражаси, шахснинг ишчанлиги; шахснинг ўқиш-ўрганишга муносабати; ўқиш - ўрганишга ижобий таъсир этадиган тарбияланганлик сифатлари); бажариш усуллари (анализ, синтез, абстракциялаш, конкретлаштириш, ажратиш, яхлитлаш, таснифлаш, гуруҳлаш, таққослаш, исботлаш, хулосалаш, умумлаштириш)га амал қилиш лозим.

III. Ўқитувчининг педагогик маҳорати (лойиҳалаш жараёни) – таълимий муаммоларни тузишга оид педагогнинг маҳорати, яъни унинг лойиҳалаш жараёни тўғрисидаги билими, кўникма ва малакаси, тажрибаси, компетенцияси, қобилияти, педагогик техника ва унинг шу жараёнга танқидий муносабати.

IV. Ўқув-билув муаммоларининг типлари - материалга кўра ўқув-билув муаммолари типлари – янги билим (1), кўникма ва малака (2), ижодий фаолият тажрибаси (3), муносабатларни тарбиялаш(4)га оид билув муаммолари. *Таълим жараёнида бажарадиган ишига кўра ўқув-билув муаммолари* – ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш (1), чиқарилган хулосаларни янги ўқув шароитларига татбиқ этиш (2), ўзлаштирилган икки ёки ундан ортиқ объект тўғрисида умумий хулоса чиқариш (3), мавзулар бўйича эришилган натижаларни таҳлил қилиш(4)га оид ўқув-билув муаммолари. *Ўқувчини янги фаолиятга ундайдиган ўқув-билув муаммолари* – олган билим ва фаолият усуллари янги шароитларда қўллашга оид (1), билим, фаолият усули татбиқ этиладиган янги шароитни таҳлил этиш (2), билим ва фаолият усулини янги шароитда қўллаш (3), ўқувчини ижодий фаолиятга йўналтиришга оид(4).

Таълимий муаммоларни таълимга татбиқ этиш жараёнини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: “Ўқув метериали, таълимий муаммолар, ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолиятининг ўзаро таъсири натижасида таълим самарадорлиги ва сифати ошади” (6-расм).



6-расм. Таълимий муаммоларни таълимга татбиқ этиш жараёни

Муаммо ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Шундай муаммоларни бажариш орқали ўқувчиларнинг топқирлик қобилияти ривожланади ҳамда уларда ирода, мустақиллик, ижодкорлик каби шахсий сифатлар таркиб топади.

Ўқувчи ва ўқув материалнинг ўзаро таъсирини ўқув материалига кўра назарий таҳлил қилиш ва таълим қонуниятлари асосида таълим жараёнининг қуйидаги босқичларида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини экспериментал ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Жумладан:

1. Янги билимларни ўрганиш ва дастлабки мустаҳкамлаш:

- янги билимларни ўрганишга тайёрлаш;
- янги билимларни турли манбалардан идрок этиш;
- янги билимларни мустаҳкамлаш характеридаги ижодий ишлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш имкониятини оширади.

2. Ўрганилган билим, фаолият усулини янги шароитга татбиқ этиш ва кўникма-малакаларни такомиллаштириш:

- қўйилган муаммо, топшириқларни бажариш учун яроқли билим, фаолият усулини танлаш;
- билим, фаолият усули татбиқ этиладиган янги шароитни таҳлил қилиш;
- билим, фаолият усулини янги шароитга татбиқ қилиш;
- муаммонинг бажарилишидан хулоса чиқариш характеридаги ижодий ишларни ташкил этиш йўли билан ўқувчи таълим жараёни субъектига айлантиради.

3. Ўрганилган билим ва фаолият усулини фаоллаштириш:

- таълимий муаммоларни бажаришга яроқли ахборот, фаолият усулини танлаш;
- билимни ўхшаш шароитларга кўчириш;
- ўрганилган тушунча мазмунини янги ахборот билан кенгайтиришга оид таълимий муаммоларни бажариш ўқувчи фаоллигини оширади, уни ижодий изланишга йўллайди.

